



Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга фаоллигимизда ҳам, ёқтирмаганимизда ҳам, қийинчиликда ҳам, кенгчиликда ҳам қулоқ солиш, итоат қилиш, (раҳбарларни) ўзимиздан устун қўйиш

Убода ибн Сомит разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга фаоллигимизда ҳам, ёқтирмаганимизда ҳам, қийинчиликда ҳам, кенгчиликда ҳам қулоқ солиш, итоат қилиш, (раҳбарларни) ўзимиздан устун қўйиш, иш (раҳбарлик) хусусида эгалари билан тортишмасликка, қаерда бўлмайлик, Аллоҳнинг йўлида маломатчининг маломатидан кўрқмасдан, ҳақни айтишга байъат бердик», - дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалардан бошлиқ ва ҳокимларга энгилу оғир пайтда, бой-у камбағаллик ҳолатида, нафсига ёқса ҳам ёқмаса ҳам ҳаттоки бошқарувчилар омманинг молини еб, мансаби ёки бошқа нарсани халқдан устун кўрса ҳам итоат қилишга аҳду паймон олдилар. Маъруф ишларда қулоқ осиб итоат қилишлари, уларга қарши чиқмасликлари керак. Чунки, зулмларидан ҳосил бўлган фасод уларга қарши чиқиб урушишдаги фасоддан озроқдир. Шунингдек маломатчининг маломатидан қўрқмай қаерда бўлсалар ҳам холис Аллоҳ учун ҳақни айтишга аҳду паймон олдилар.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/3061>

